

9-10-2019

THEORY OF MAKING TEACHERS IN GENERAL SCIENCES BASICS

Азизбек Улуфбекович Ортиқов

Наманган давлат университети мустақил изланувчиси

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ортиқов, Азизбек Улуфбекович (2019) "THEORY OF MAKING TEACHERS IN GENERAL SCIENCES BASICS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 76.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/76>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

THEORY OF MAKING TEACHERS IN GENERAL SCIENCES BASICS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИДАН ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ортиқов Азизбек Улуғбекович,

Наманган давлат университети мустақил изланувчиси

Аннотация. Мақолада ўқув адабиётларини ишлаб чиқишнинг назарий асослари, умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликларнинг шаклланиш ва яратиш босқичлари баён этилган.

Таянч сўзлар: ўқув адабиёти, замонавий дарслик, таълим воситаси, билимлар манбаи, ўқув материали, лойиҳалаш.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические основы разработки учебных книг, этапы становления и создания учебников для общеобразовательной школы.

Ключевые слова: учебная книга, современный учебник, средство обучения, источник знаний, учебный материал, проектирование.

Abstract. The article discusses theoretical foundations of the development of educational textbooks, the stages of formation and creation of textbooks for a general education schools.

Keywords: textbook, modern textbook, teaching tool, source of knowledge, educational material, designing.

Таълимда босма ахборотлардан бир неча асрлар аввал фойдаланиш бошланган бўлса, XV асрга келибгина китоб нашр этиш ихтиро қилинганидан сўнг амалий аҳамият касб этди. Дарслик яратиш назариясига чех педагоги Ян Амос Коменский асос солган бўлиб, у “Ҳиссий нарса-буюмлар дунёси расмларда” номли биринчи иллюстратив дарсликни яратди. Шу билан бирга, мактаб дарсликларини яратишнинг назарий тамойилларини ҳам ишлаб чиққан [1, 8-б.].

Ўқув адабиётларини яратишнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқишга Маҳмудхўжа Бехбудий[2], Абдурауф Фитрат[3], М.Қодиров[4], В.Г.Белинский [5], Н.А.Добролюбов [6], К.Д.Ушинский [7] кабилар катта ҳисса қўшишган.

XX асрнинг биринчи чорагида мактаб дарсликларини яратиш муаммолари Н.К.Крупская томонидан тадқиқ этилган. У ўзининг “Бизга қандай дарслик керак?” номли нутқида дарсликлар яратиш мазмуни, тузилмаси ва методикаси масалаларига доир тавсияларни тақдим этган. Жумладан, унинг фикрича, дарслик ўқув дастури мазмуни билан мос бўлиши; ўқув материаллари тўғри танланиши ва яхлит тизимлаштирилиши; ўқув материаллари ҳаёт билан уйғун бўлиши; дарсликдаги ўқув материаллари ўқувчиларда мустақилликни шакллантириши лозим. Нутқининг якунида Н.К.Крупская дарсликни фақат мактабда ишлаётган ўқитувчилар ёзиши керак, деб ҳисоблаган қатор амалиётчи ходимларни қаттиқ танқид қилган: “Нутқ сўзлаганлардан икки киши ҳамма гап амалиётда, амалиёт асосида ҳақиқий дарсликни яратиш мумкинлиги, хонада ўтириб ёзилган иш кам самарали эканлигини айтиб ўтишди. Мен ўйлайманки, бу тўғри фикр эмас. Бу ерда ҳамкорликка асосланган иш бўлиши лозим. Тажрибалар умумлаштириб ёзилган назарий тадқиқотларсиз, янги дарслик яратиш жуда қийин кечади” [8].

Шунингдек, ўқув адабиётларини яратишнинг назарий масалаларини аниқлаштиришда В.Г.Бейлинсон [9], Ю.К.Бабанский [10], В.П.Беспалько [11], Д.Д.Зуев [12], Д.Шодиев[13], Р.Г.Сафарова, М.Рихсиева[14] каби олимлар ҳам ҳисса қўшишган.

Дарслик ва уни яратиш йўналиши бўйича фундаментал тадқиқот В.П.Беспалько томонидан амалга оширилган. Унинг “Дарслик. Яратиш ва татбиқ этиш назарияси” деб номланган китобида дарслик яратишга қўйиладиган қуйидаги дидактик тамойиллар очиқ берилган: диагностик мақсад, мазмуннинг тушуниш учун қулайлиги, дидактик жараённинг аниқлиги ва мақсадга эришишнинг кафолатланганлиги. Ҳар бир тамойил билан боғлиқликда китобда уни амалга оширишнинг педагогик аппарати ва дарслик яратишнинг педагогик қоидалари ишлаб чиқилган [11].

Мактаб дарсликларини яратиш назариясини ишлаб чиқишга доир муаммоларни ҳал этишга мажмуавий ёндашув масаласига доир Д.Д.Зуевнинг хулосалари кишида алоҳида қизиқиш уйғотади: “Мактаб дарсликларини яратишнинг дидактик концепциясига тааллуқли ҳамма муаммоларни санаб ўтиш қийин. Бироқ уларнинг долзарблиги дарсликларда акс этадиган фанга оид билим, қўникма ва малакаларни аниқлаш заруратидан гувоҳлик беради. Фаннинг хусусиятини ҳисобга олиш, тушунарлилик тамойили, ўқувчиларнинг ривожланиш даражаси, шунингдек, маълум вақт ичида ўзлаштириш зарур бўлган умумий билимлар ҳажми билан боғлиқ ҳар бир дарс учун белгиланган илмий (дидактик) асосланган ўқув материал бўлиши лозим” [12].

Шунингдек, муаллиф ўқувчиларнинг ўқув материални идрок этиши ва тушуниши билан боғлиқ дарсликда матнни ўқиш ва тушуниш, иллюстратив материални идрок этиш билан боғлиқ ёш даврлари психологиясини ҳисобга олиш лозимгини алоҳида таъкидлаб ўтади. Д.Д.Зуевнинг фикрича, дарслик назарияси “ўзида умумий ва хусусий назарияни акс этириши керак”. “Дарсликнинг умумий назарияси уни яратишнинг универсал тамойилларини ўрганиши ва мантиқий асослаш билан шуғулланиши, хусусий назария эса, ҳар бир фаннинг, мактабнинг тури, таълим методлари, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиши лозим” [12].

Узлуксиз таълим тизими учун информатикадан ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш масалалари Н.И.Тайлаков[15] томонидан ишланган. Олим ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг дидактик тамойиллари, яратиш босқичлари, таълим босқичларида уларнинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш масалалари ҳамда ўқув адабиётлари мазмунини белгилашнинг назарий-методик асосларини педагогик жиҳатдан таҳлил қилган.

Дарслик яратишда дидактик бирлик сифатида ўқув материали муҳим аҳамият касб этади. “Ўқув материали” атамаси илк бор Я.А.Коменский томонидан қўлланилган. У ўзининг “Буюк дидактика” асарида, ўқув жараёни таркибан уч қисмдан иборат: ўқитиш – бу ўқувчиларга таълим бериш демакдир. Болалар ўқитувчи айтган, китобларда ёзилган билимларни ўрганадилар; ўқиш – бу ўқитувчи

айтган, китобларда ёзилган ҳақиқатларни идрок этиш; ўқув материали – ўқитувчидан ўқувчиларга томон силжиётган билимлардир, деб ёзган эди [16].

“Педагогика” энциклопедиясининг 2-жилдида “ўқув материали” куйидагича талқин қилинади: “ўқув материаллари тизими, у дидактик материалнинг моддий ёхуд моддийлашган моделларида акс этади ҳамда ўқув фаолиятида ишлатиш учун мўлжалланади” [17, 159-б.].

Юқоридаги фикрлардан аён бўладики, “ўқув материали” ўқув жараёнининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Ўқув материали ёрдамида ўқувчиларга энг янги билимлар ва ахборотлар тақдим этилади.

Замонавий дидактикада ўқув материали моҳиятини очишга хизмат қиладиган бир қатор ёндашувлар мавжуд. а) ўқув материалга бўлган дастлабки илмий ёндашув Я.А.Коменский[16] тадқиқотларига бориб тақалади. У ўқув материални билимлар тақдимотидан иборат деб ҳисоблаган; б) бир гуруҳ олимлар уни ўқув предмети, дарслик таркибидаги бирлик деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашув Л.Я.Зорина [18], В.С.Цетлин[19] изланишларига мансубдир. Дарҳақиқат, муайян ўқув фани бўйича яратилган дарсликда баён қилинган машқ, масала ва топшириқлар ўқув материалидир. М.Х.Маҳмудов ўқув материали ҳақида куйидаги фикрни билдирган: “Замонавий адабиётларда ўқув материали ўқув предметининг таркибий қисми сифатида қаралади” [20]. Бундай ёндашувга кўра ўқув фанини ўқув материаллари йиғиндиси шаклида тушунишга тўғри келади. Бу, ўз навбатида, дарсликларнинг кенгайиб кетишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам, ҳатто бошланғич синфлар учун катта ҳажмли дарсликлар тузилади. “Дарслик ўқув материалдан иборат” ёки “ўқув материали дарсликнинг бирлиги” каби тезислар асосида иш кўрадиган дарслик муаллифлари ўзлари тузадиган лойиҳага ўқув материалларини кўпроқ киритишга ҳаракат қиладилар [20, 59-б.]; в) В.В.Краевскийнинг фикрича [21], ўқув материали таълим мазмунининг шакли, таълим мазмунига дарслик муаллифининг берган энг сўнгги ишловидир. Бундай ёндашувга асосланган ҳолда ўқув материални таълим мазмунининг шакли сифатида тан олишга имконият туғилади; г) Р.Сафарованинг монографик тадқиқотларида [22] ўқув материали муаммосига алоҳида эътибор қаратиб, у ўқув жараёнининг асосий воситаси, ахборотли модели сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашув “ўқув материали” ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтиришга йўл очади.

Ўқув материали тўғрисидаги тасаввурларни янада кенгайтириш лозимлигини ҳисобга олиб, Р.Сафарова таълим мазмунини моддийлаштирувчи воситаларни икки гуруҳга ажратган: бирламчи дидактик лойиҳалар – дарсликда берилган таърифлар, қоидалар, машқлар, ўқув топшириқлари, курсив билан ажратилган далиллар ва аниқликлар, умуман ўзида ўқув предмети мазмунини мужассамлаштирган ахборотли моделлар; иккиламчи дидактик лойиҳалар – синф жамоасининг имкониятларини инобатга олиб тузилган тренинг материаллари, дастурлаштирилган материаллар, мустақил ишлар, саволлар, тест топшириқлари тўплами[22]. Бирламчи ва иккиламчи дидактик лойиҳаларни ўзаро фарқлаш зарурлигини М.Х.Маҳмудов алоҳида таъкидлаб ўтган: “Дарсликда бериладиган ўқув материалларида болаларнинг нечанчи синф ўқувчиси эканлиги, ёши ҳисобга

олинади, холос. Уларни бирламчи лойиҳалар деб қараймиз. Болаларнинг реал ўқиш имкониятлари, индивидуал хусусиятлари асосида тузилган лойиҳаларда ҳисобга олинади. Уларни иккиламчи лойиҳалар деб белгилаймиз. Иккиламчи дидактик лойиҳаларда болаларнинг реал ўқиш имкониятлари, ҳар бир ўқувчининг шунингдек, синф жамоаси ичида ажратилган гомоген гуруҳларнинг тайёргарлик даражаси ҳисобга олинади” [20, 40-б.].

Таҳлилий материаллар ва тадқиқот натижалари асосида дарслик яратиш бўйича қатор муаммоларнинг мавжудлиги аниқланди:

1) дарслик яратиш билан боғлиқ; дарсликни яратиш муддатлари тўғри белгиланмаслиги (кам вақт, бироқ юқори талаб); муаллифларнинг дарслик яратиш методологиясини чуқур эгалламаганлиги; методистлар ва муаллифлар ўртасида ҳамкорликнинг етарли эмаслиги; синфлар кесимида дарслик муаллифлари ўртасида ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги; ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва дарсликларни яратиш даврийлигидаги узвийликнинг таъминланмаслиги; фан йўналишлари бўйича Давлат таълим стандарти ва синфлар кесимида ўқув дастурлари ўртасида узвийлик ва узлуксизликнинг тўлиқ таъминланмаганлиги; фан йўналишлари бўйича ўқитиш концепциясининг мазмунан янгиланмаганлиги; дарсликнинг ўқув дастури мазмунига мослиги таъминланмаслиги, Барча синфлар кесимида методик қўлланмаларнинг яратиш йўлга қўйилмаганлиги; мультимедиа иловаларни яратиш учун ишчи кучининг етарли эмаслиги;

2) дарсликни экспертизадан ўтказиш билан боғлиқ; мунтазам фаолият юритувчи экспертлар гуруҳининг мавжуд эмаслиги; экспертлар ва тақризчилар учун меҳнат ҳақининг тўланмаслиги; экспертизадан ўтказадиган вазирлик, ташкилотлар, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтларининг аниқ белгилаб қўйилмаганлиги; такрорий экспертизанинг мавжуд эмаслиги ва экспертиза параметрлари ва индикаторларининг тўлиқ эмаслиги; экспертиза учун белгиланган вақтнинг етарли эмаслиги; дарсликлар чоп этилишидан олдин таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтказилмаётганлиги;

3) дарсликни нашрга тайёрлаш соҳасида: нашрга тайёрлаш жараёни мониторингининг тўғри юритилмаслиги; нашриётлар ва муаллифлар ўртасидаги ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги; нашриётларда фан йўналишлари бўйича ихтисосликка эга бўлган таржимон ва муҳаррирларнинг етишмаслиги; нашриёт муҳаррирларининг фан соҳасига оид терминларни тушунмаслиги; имло қоидаларидаги иккиланишларнинг узил-кесил ҳал этилмаганлиги; тарихий саналар ва рақамларнинг чоп этилган мавжуд манбааларда ҳар хил берилганлиги;

4) дарсликни чоп этиш билан боғлиқ; дарсликни чоп этишнинг асосий катта нашриётлар зиммасига юкланиши; нашриётларда мавжуд объектив ва субъектив сабаблар натижасида дарсликларни ўз вақтида чоп этилмаслиги; дарсликларни чоп этиш учун қоғоз маҳсулотларининг ўз вақтида етказиб берилмаслиги; дарсликнинг оригинал макетлари учун нарх калькуляцияларини тайёрлашда нашриётлар томонидан белгиланган муддатда топширилмаслиги; босмаҳоналар ходимларининг маъсулиятсизлиги оқибатида айрим дарсликлар тасдиқланган сигнал нусхалари асосида чоп этилмаслиги;

5) дарсликларни жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш билан боғлиқ: дарсликлар чоп этилишидан аввал онлайн муҳокамага қўйилмаслиги; онлайн муҳокама жараёнини ташкил этиш ва муаллифлик ҳуқуқининг сақланишининг кафолатланмаганлиги; онлайн муҳокама жараёнининг кенг тарғиб этилмаслиги; дарсликларни кенг жамоатчилик билан муҳокама қилишнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги; дарсликларни яратиш жараёнида аниқ белгиланган режа асосида консилиумларнинг ташкил этилмаслиги; консилиумда ижтимоий институтлар, оналар, ўқитувчилар ва чет эл элчихоналари вакилларининг жалб этилмаслиги; оммавий ахборот воситаларида дарслик муҳокамаларининг бир томонлама, субъектив муҳокама қилиниши;

б) дарсликларни яратиш ва нашр эттириш жараёнини бошқариш билан боғлиқ: дарсликларни яратиш ва нашрга тайёрлашнинг электрон мониторинг тизимининг яхши йўлга қўйилмаганлиги; дарсликларни яратиш ва нашрга тайёрлаш графигининг реал ишлаб чиқилмаслиги; муаллиф, эксперт ва тақризчиларнинг ҳамда амалиётчи-ўқитувчилар ҳамкорлигининг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги; дарсликларга олимлар ва мутахассислар томонидан берилган тақризларнинг шаблон ва расмий характерга эгаллиги. Мазкур тақризларнинг бир хил мазмунга эгаллиги ва деярли фикр-мулоҳазалар мавжуд эмаслиги; йиллар давомида дарсликларга эксперт сифатида жалб этилган мутахассислар ва ИМК аъзоларини рағбатлантириб бориш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун дарслик яратишнинг назарий асослари мукамал ишлаб чиқилиши лозим. Айнан замонавий дарслик назарияси мувофиқлик тамойилига таянган ҳолда: 1) дарслик назарияси ривожланган бўлиши лозим; 2) дарсликни яратишнинг назарий асослари бутунлай рад этилмаслиги керак; 3) дарслик назарияси ўзида яхлитликнинг таркибий қисмини акс эттириши керак; 4) замонавий дарсликларни яратишда анъанавий ва янги назарий ёндашувларнинг уйғунлиги таъминланиши лозим.

References:

1. Yan Amos Komenskiy. Mir v chuvstvennix veshey v kartinkax. – M.: 1941. – 354 s.
2. Behbudiy M. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma’naviyat, 1997. –232 b.
3. A.Fitrat. «Adabiyot qoidalari» o’quv qo’llanmasi. (Adabiyot muallimlari ham adabiyot havaslilari uchun) Nashrga tayyorlovchi H.Boltaboev. –Toshkent: O’qituvchi, 1995. – 112 b.
4. Qodirov E. O’zbekistonda xalq maorifining 40 yil ichida erishgan yutuqlari. – Toshkent: O’zSSJ Davlat o’quv pedagogika nashriyoti, 1957. – 143 b.
5. Belinskiy V.G. Kratkaya geografiya dlya detey. – V kn.: Belinskiy V.G. Izbr. ped. soch. – M–L.,1948.
6. Piskunov A.I. Istoriya pedagogiki i obrazovaniya: ot zarojdeniya vospitaniya v pervobitnom obshestve do konsa XX veka: uchebnoe posobie dlya vuzov. M.: Sfera, 2006. – 496 s.
7. Ushinskiy K.D. Antologiya gumannoy pedagogiki. – M.: Izdatelskiy dom SHalvi Amonashvili, 2002. – 224 s.

8. Bagdasaryan V.E. Krupskaya i pedagogicheskaya epoxa; nauch. red. V.S.Zapalatskaya. – M.: IIU MGOU, 2019. – 180 s.
9. Beylinson V.G., Zuev D.D. O funktsionalnom podxode k otsenke shkolnix uchebnikov. Problemi shkolnogo uchebnika. Vipusk 5. Metodi analiza i otsenki uchebnika. – M.: Prosveshenie, 1977.
10. Babanskiy YU.K. Didakticheskie problemi sovershenstvovaniya uchebnix kompleksov. Problemi shkolnogo uchebnika. Vipusk 8. O konstruirovaniy uchebnikov. – M.: Prosveshenie, 1980.
11. Bepalko V. P. Teoriya uchebnika: Didakticheskiy aspekt [Tekst] /V. P. Bepalko. – M.: Pedagogika, 1988. – 160 s.
12. Zuev D.D. *SHkolniy uchebnik*: monografiya. – M.: Pedagogika, 1983. – 240 s.
13. SHodiev D. Darslik yaratish metodologiyasi. – Toshkent: O'zPFITI, 1994. – 21 b.
14. Safarova R.G., Rixsieva M. Umumiy o'rta ta'lim maktablari darsliklarining yangi avlodiga qo'yiladigan talablar / Metodik qo'llanma. T.: O'zPFITI, 2001.– 28 bet.
15. Taylakov N.I. Uzluksiz ta'lim tizimi uchun informatikadan o'quv adabiyotlari yangi avlodini yaratishning ilmiy pedagogik asoslari// monografiya. «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent.: - 2005. 160-bet.
16. Komenskiy YA.A. Velikaya didaktika // Komenskiy YA. A. i dr. Pedagogicheskoe nasledie / Sost. V.M.Klarin, A.N.Djurinskiy. – M.: Pedagogika, 1989. – S.11-106.
17. Pedagogika: ensiklopediya. II jild. Jamoa // Toshkent: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2015. – 376 b.
18. Zorina, L. YA. O didakticheskix usloviyax stabilnosti uchebnikov estestvennogo sikla: sbornik statey//Problemi shkolnogo uchebnika (O spetsifike uchebnikov matematiki, fiziki, astronomii, ximii, chercheniya i trudovogo obucheniya). – M.: Prosveshenie, 1983. – Vip. № 12. – S. 6 - 14.
19. [Setlin V.S.](#) Preduprejdenie neuspevaemosti uchashixsya// M.: Znanie. 1989. – 80 s.
20. Mahmudov M.X. Ta'limni didaktik loyihalash prinsiplari. -T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2002. – 160 b.
21. Kraevskiy, V. V. Opredelenie funktsii uchebnika kak metodologicheskaya problema didaktiki: sbornik statey. //Problemi shkolnogo uchebnika (Uchebnik v sisteme sredstv obucheniya). – M.: Prosveshenie, 1976. – Выр. № 4. – S. 13 - 36.
22. Safarova R.G., Inoyatova M.E., Ne'matov SH.E. Qo'chqarova F.M. O'quv materiallarini konsentrizm tamoyili asosida tanlashga oid didaktik yondashuvlar // Toshkent: Fan va texnologiya, 2012. – 72 b.